САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УЛАШОВ СОБИР САХИБЖАНОВИЧ

ПАНЖАРАДАГИ ИККИТА ИХТИЁРИЙ ЗАРРАЧАЛИ СИСТЕМАГА МОС ШРЕДИНГЕР ОПЕРАТОРИ ДИСКРЕТ СПЕКТРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд шаҳри – 2017 йил

УДК: 517.984

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УЛАШОВ СОБИР САХИБЖАНОВИЧ

ПАНЖАРАДАГИ ИККИТА ИХТИЁРИЙ ЗАРРАЧАЛИ СИСТЕМАГА МОС ШРЕДИНГЕР ОПЕРАТОРИ ДИСКРЕТ СПЕКТРИ

01.01.02 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд шаҳри – 2017 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/FM54 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз рус, (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Лақаев Саидахмат Норжигитович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Халмухаммедов Алимжан Рахимович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ботиров Ғолиб Исроилович физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Қарши Давлат Университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 201_ йил «___»_________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32.

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2017 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

И.А.Икромов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлардан маълумки физикада мураккаб турғун объектлар одатда уларнинг боғланган пайтдаги энергияси камайиш имконини берувчи тортишиш кучлари натижасида ҳосил бўлишини кўрсатади. Тартибланган муҳитларда мураккаб турғун объектлар ҳаттоки итаришувчи таъсирлар натижасида ҳам мавжуд бўлишлиги экпериментал исботланди. Итаришувчи жуфтликларни назарий асослашда фойдаланиладиган Бозе-Хаббард модели, яъни панжарадаги икки заррачали Шредингер оператори экспериментал кузатишларнинг назарий асоси ва қўллашнинг назарий базаси ҳисобланади. Шунинг учун қаттиқ жисмлар физикаси ҳамда квант майдонлар назариясида учрайдиган панжарадаги заррачалар системасига мос Шредингер операторларига оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда панжарадаги икки квант заррачали системага мос Шредингер оператори спектри система квазиимпульси ўзгаришига нисбатан ўта сезувчан бўлганлиги учун ушбу оператор спектрига оид муаммоларни ҳал этиш, яъни боғланган ҳолатлар мавжудлигини кўрсатиш ва унинг сонини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада панжарада қисқа масофада таъсирлашувчи иккита ихтиёрий заррачали системага мос Шредингер операторининг дискрет спектрини тадқиқ этиш, ушбу оператор муҳим спектри тубидаги ёки тепасидаги бўсаға ҳодисаларни аниқлаш мақсадли илмий тадқиқотлар ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларга эътибор кучайтирилди. Жумладан, математик физиканинг кубик панжарадаги заррачалар системасига мос Шредингер операторларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Панжарадаги икки заррачали системага мос Шредингер операторлари учун муҳим спектрдан ташқарида боғланган ҳолатлар мавжудлиги ва уларнинг сонини аниқлашга оид сезиларли натижаларга эришилди. Математика, физика, амалий математика фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда квант майдонлар назарияси ва чизиқли операторларнинг спектрал назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15-июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17-февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2017 йил 8-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўгрисида»ги Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Атом ва молекуляр ҳамда қаттиқ жисмлар физикаси, квант майдонлар назариясининг асосий масалалари Шредингер операторларини ўрганишга қаратилган. Бу соҳада олинган натижалар тўғрисида кўплаб маълумотлар М.Рид ва Б.Саймоннинг илмий ишларида келтирилган. Панжарадаги заррачалар системасига мос Шредингер операторлари Д.С.Маттис, А.И.Могильнер томонидан ўрганилган. Панжарадаги Шредингер операторларини математик маънода тадқиқ этишда узлуксиз Шредингер операторларидаги каби муаммолар учрайди. Яъни, дастлаб бир, икки ва ҳоказо заррачали операторларни ўрганиш талаб этилади.

Узлуксиз ва дискрет Шредингер оператори ҳамда умумлашган Фридрихс модели учун дискрет спектр мавжудлиги, хос қийматнинг узлуксиз спектр атрофидаги ёйилмалари, ўзаро таъсир константасининг бўсағавий қийматдаги ҳодисаларни аниқлаш масалалари М. Клауз, Б. Саймон, Г.М. Граф, Д. Шенкер, Р.А.Фариа де Вейга, Е.Л. Лакштанов, Р.А. Минлос, С.Н. Лақаев, К. Макаров каби олимлар томонидан ўрганилган. Икки заррачали Шредингер операторларида ўзаро таъсир доимийси ўзгариши натижасида боғланган ҳолат энергияси узлуксиз спектр чеккасига яқинлашади ва таъсир доимийсининг чекли қийматида спектр бўсағаси билан устма-уст тушади. Бу бўсаға қийматга боғланган ҳолат ёки виртуал ҳолат мос келишини аниқлаш масаласи Дж.Раух, Б. Саймон, М. Клауз, Д. Яфаев ва С.Н.Лақаевлар томонидан ўрганилган. Жуфт-жуфти билан ўзаро контакт потенциал ёрдамида таъсирлашувчи, иккита бозондан ташкил топган система гамильтонианига мос $H_\mu(k) = H_0(k) + \mu V, k \in \mathbb{T}^3$ икки заррачали дискрет Шредингер оператори учун квазиимпульс бўсаға эффекти, яъни агар $\mu = \mu_0 < 0$ нинг бирор қийматида $H_{\mu_0}(0)$ номанфий оператор муҳим спектрнинг қуйи чегарасида виртуал сатҳга эга бўлса, у ҳолдаnn квазиимпульснинг нолдан фарқли ихтиёрий қийматида $H_{\mu_0}(k)$ оператор муҳим спектр қуйи чегарасидан пастда хос қийматга эга бўлиши дастлаб С.Н. Лақаев ишида ўрганилган.

С. Албеверио, С. Лакаев, К. Макаров ва З. Мўминовлар томонидан $d-$ ўлчамли $\mathbb{Z}^d, d \geq 3$ панжарада жуфт-жуфти билан қисқа масофада таъсирлашувчи ихтиёрий икки заррачали системага мос икки заррачали

Шредингер оператори учун хос қийматларнинг мавжудлик шартлари дисперсион функцияларга боғлиқ равишда топилган. С.Н.Лакаев, А.М. Холхўжаев, Ш.Ю. Холматов, Ш.С. Лақаев ишларида $d \geq 3$ ўлчамли $\mathbb{Z}^d$ панжарада ҳаракатланувчи, тортишувчи контакт потенциал ёрдамида таъсирлашувчи иккита квант заррачали системага мос дискрет Шредингер операторининг муҳим спектрдан пастда ягона хос қиймати мавжудлиги исботланган, ҳамда ўзаро таъсир доимийси ва квазиимпульсга боғлик ҳолда хос қиймат учун асимптотика топилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарканд давлат университетининг Ф4-ФА-Ф079 «Панжарадаги сони сақланмайдиган заррачалар системаси гамильтонианларининг спектрал таҳлили» (2012-2016) ва ОТ-Ф4-66 «Панжарадаги чекли сондаги заррачалар системаси моделлари. Энергия операторларининг муҳим ва дискрет спектрлари» (2017) мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Панжарадаги ўзаро контакт таъсирлашувчи иккита ихтиёрий заррачали системага мос дискрет Шредингер операторининг муҳим ва дискрет спектрларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўлчами $d \geq 3$ бўлган панжарада ўзаро итаришувчи ёки тотишувчи контакт таъсирлашувчи иккита ихтиёрий заррачали системага мос дискрет Шредингер операторининг муҳим спектрдан ўнгда ёки чапда хос қиймати мавжудлигини исботлаш ва унга мос хос функциянинг аниқ кўринишини топиб регуляр функция эканлигини кўрсатиш;

ўлчам $d = 3{,}4$ бўлганда муҳим спектрнинг юқори бўсағасида ёки қуйи бўсағасида дискрет Шредингер оператори виртуал сатҳга эга эканлиги исботлаш ва виртуал ҳолатнинг интегралланувчи функция эканлигини кўрсатиш;

квазиимпульснинг берилган қийматида виртуал сатҳга эга бўлган таъсир энергияси қийматларини топиш ва таъсир энергиясининг берилган қийматида система квазиимпульслари тўпламини Шредингер операторининг хос қиймати мавжуд бўладиган ёки мавжуд бўлмайдиган ҳамда виртуал сатҳга эга бўладиган синфларга ажратиш;

ўлчам $d \geq 5$ бўлганда муҳим спектрнинг юқори бўсағаси ёки қуйи бўсағаси дискрет Шредингер операторининг хос қиймати бўлишини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти. Панжарадаги ўзаро контакт потенциал ёрдамида таъсирлашувчи иккита ихтиёрий заррачалар системаси ва гамильтонианидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети. Панжарадаги иккита ихтиёрий заррачали системага мос дискрет Шредингер операторларининг спектрал тадқиқотларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида математик анализ, ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назаряси, ҳамда Бирман-Швингер принципи усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўлчами $d \geq 3$ бўлган панжарада ўзаро итаришувчи ёки тортишувчи контакт таъсирлашувчи иккита ихтиёрий заррачали системага мос дискрет Шредингер операторининг муҳим спектрдан ўнгда ёки чапда хос қиймати мавжудлиги исботланган ва унга мос хос функциянинг аниқ кўриниши топилиб регуляр функция эканлиги кўрсатилган;

ўлчам $d = 3{,}4$ бўлганда муҳим спектрнинг юқори бўсағасида ёки қуйи бўсағасида дискрет Шредингер оператори виртуал сатҳга эга эканлиги исботланган ҳамда виртуал ҳолатнинг интегралланувчи функция эканлиги кўрсатилган;

квазиимпульснинг берилган қийматида виртуал сатҳга эга бўлган таъсир энергияси қийматлари топилган ва таъсир энергиясининг берилган қийматида система квазиимпульслари Шредингер операторининг хос қиймати мавжуд бўладиган ёки мавжуд бўлмайдиган ҳамда виртуал сатҳга эга бўладиган тўпламларга ажратилган;

ўлчам $d \geq 5$ бўлганда муҳим спектрнинг юқори бўсағаси ёки қуйи бўсағаси дискрет Шредингер операторининг хос қиймати бўлиши кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Боғланган ҳолатларнинг аналитиклиги ҳақидаги хулосалар қаттиқ жисмлар физикаси ва квант механикасида экспериментал тадқиқотларнинг сифат кўрсаткичини аниқлашда қўлланилиши мумкинлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик анализ, математик-физика, функционал анализ ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назариясида, квант механикаси ва қаттиқ жисмлар физикасида панжарадаги икки ва уч заррачали система гамильтонианларининг спектрлари ҳамда хос қиймати мавжудлигини кўрсатиш билан боғлик масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қаттиқ жисмлар физикаси мураккаб объектлари ҳосил бўлишини кўрсатувчи экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва қўллашга назарий жиҳатдан хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. панжарадаги иккита ихтиёрий заррачали системага мос Шредингер операторининг хос функциялари аналитиклигидан етакчи хорижий журналларда (Journal of Physics A: Mathematical and Theoretical 2017, V.50, № 33, 121-134; Journal of Physics A: Mathematical and Theoretical 2016, V.49, № 14, 336–346; Theoretical and Mathematical Physics, 2014, Vol.178 № 3, 390-402) уч заррачали системага мос дискрет Шредингер операторининг спектрини топишда фойдаланилган.

Илмий натижанинг қўлланилиши операторнинг хос функцияси аналитик функция эканлигини исботлаш имконини берган;

панжарадаги иккита ихтиёрий итаришувчи заррачали системага мос Шредингер оператори хос қийматларининг система квазиимпульсига боғлиқлигидан етакчи хорижий журналларда (Theoretical and Mathematical Physics, 2014, Vol.178 № 3, 390-402; Journal of Physics A: Mathematical and Theoretical 2017, V.50, № 33, 121-134; Journal of Physics A: Mathematical and Theoretical 2016, V.49, № 14, 336–346) контакт потенциалли иккита бир хил заррачали системага мос дискрет Шредингер операторининг хос қийматлари мавжудлигини кўрсатишда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши ўрганилаётган оператор хос қийматининг мусбатлигига оид натижани исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш кисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг хажми 93 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Панжарадаги икки заррачали система гамильтонианини Фон-Нейман интегралига ёйиш»** деб номланувчи биринчи бобида асосий натижаларни баён қилиш учун зарур бўлган тушунчалар ва натижалар, жумладан чегараланган ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назариясининг зарур теоремалари келтирилган, ҳамда иккита ихтиёрий заррачали система гамильтониани координата ва импульс кўринишларида чегараланган ўз-ўзига қўшма операторлар сифатида мос гильберт фазоларида қаралган. Икки заррачали система тўла квазиимпульси киритилиб, икки ихтиёрий заррачали гамильтониан Фон-Нейман интегралига ёйилган. Натижада икки заррачали система гамилтониани спектрини ўрганиш масаласи қават операторлар, яъни дискрет Шредингер операторлари спектрал хоссаларини ўрганиш масаласига келтирилган.

Диссертациянинг **«Панжарадаги икки заррачали Шредингер операторининг боғланган ҳолатлари мавжудлиги ва аналитиклиги»** деб номланувчи иккинчи боби $d \geq 3$ ўлчамли $\mathbb{Z}^d$ панжарада ўзаро контакт потенциал ёрдамида таъсирлашувчи иккита ихтиёрий заррачали системага мос Шредингер оператори қаралган. Қаралаётган операторнинг муҳим спектридан ўнгда ягона хос қиймати мавжудлиги система квазиимпульси ва итаришувчи ўзаро таъсир энергиясига боғлиқ ўрганилган. Мос хос функциянинг аналитиклиги ва хос қийматнинг ҳамда хос функциянинг мавжудлик соҳасида квазиимпульснинг функцияси сифатида регулярлиги исботланган.

II боб натижаларининг қатъий математик баёнига ўтамиз. $\mathbb{T}^d$ - $d-$ ўлчамли тор, яъни $(-\pi,\pi]^d$ куб бўлсин. Икки ихтиёрий заррачали системага мос контакт таъсирлашувчи дискрет Шредингер оператори $L^2(\mathbb{T}^d)$ гильберт фазосида қуйидаги формула билан аниқланган:

$$H_\mu(K) = H_0(K) + \mu V, K \in \mathbb{T}^d.$$

Кўзғалмас $H_0(K)$ оператор $L^2(\mathbb{T}^d)$ фазода $\mathcal{E}_K(\cdot)$ функцияга кўпайтириш оператори бўлиб,

$$(H_0(K)f)(q) = \mathcal{E}_K(q)f(q), \quad f \in L^2(\mathbb{T}^d),$$

формула билан аниқланган. Бунда,

$$\mathcal{E}_K(q) = \varepsilon(q) + \gamma\varepsilon(K-q),$$

$\gamma > 0$ заррачалар массаларининг нисбати ва

$$\varepsilon(p) = \sum_{i=1}^{d}(1-\cos p^{(i)}), \quad p = (p^{(1)},\ldots,p^{(d)}) \in \mathbb{T}^d.$$

V ўзаро таъсир (қўзғатиш) оператори $L^2(\mathbb{T}^d)$ фазода қуйидаги формула билан аниқланган:

$$(Vf)(p) = \frac{1}{(2\pi)^d}\int_{\mathbb{T}^d} f(q)dq, \quad f \in L^2(\mathbb{T}^d).$$

Ушбу $H_0(K)$ функцияга кўпайтириш оператори кўзғалиши V бир ўлчамли чегараланган ўз-ўзига қўшма оператор бўлганлиги учун муҳим спектр турғунлиги ҳақидаги Вейл теоремасига асосан $H_\mu(K), K \in \mathbb{T}^d$ операторнинг муҳим спектри $H_0(K), K \in \mathbb{T}^d$ оператор муҳим спектри билан устма-уст тушади ва

$$\sigma_{ess}(H_\mu(K)) = \sigma(H_0(K)) = [\mathcal{E}_{\min}(K), \mathcal{E}_{max}(K)]$$

тўпламдан иборат бўлади. Бунда,

$$\mathcal{E}_{\min}(K) = \min_{p\in\mathbb{T}^d}\mathcal{E}_K(p) = \mathcal{E}_K(p(K)) = (1+\gamma)d - \sum_{i=1}^{d}\sqrt{1+2\gamma\cos K^{(i)} + \gamma^2},$$

$$\mathcal{E}_{\max}(K)=\max_{p\in\mathbb{T}^d}\mathcal{E}_K(p)=\mathcal{E}_K(\vec{\pi}+p(K))=(1+\gamma)d+\sum_{i=1}^{d}\sqrt{1+2\gamma\cos K^{(i)}+\gamma^2}$$

$$p(K)=(p(K^{(1)}),\ldots,p(K^{(d)})),$$

$$p(K^{(i)})=\arcsin\frac{\gamma\sin K^{(i)}}{\sqrt{1+2\gamma\cos K^{(i)}+\gamma^2}},\ K^{(i)}\in\mathbb{T}^1,\ i=1,\ldots,d.$$

1-эслатма. Кейинги ўринларда $\gamma\neq 1$ ва $d\geq 3$ деб фараз қиламиз. Агар $\gamma=1$ ва $K=\vec{\pi}=(\pi,\ldots,\pi)\in\mathbb{T}^d$ бўлса, $H_\mu(K)$ операторнинг $\sigma_{ess}(H_\mu(K))$ муҳим спектри айнийди, яъни $\{\mathcal{E}_{min}(\vec{\pi})=\mathcal{E}_{max}(\vec{\pi})=2d\}$ бўлади. Шунинг учун $H_\mu(K)$ операторнинг муҳим спектри $\sigma_{ess}(H_\mu(K))$ ихтиёрий $K\in\mathbb{T}^d$ да абсолют узлуксиз эмас.

$\mathbb{C}-$ комплекс сонлар тўплами бўлсин. Ихтиёрий $K\in\mathbb{T}^d$ учун $\mathbb{C}\setminus[\mathcal{E}_{\min}(K),\mathcal{E}_{\max}(K)]$ тўпламда $\nu(K,\cdot)$ аналитик функцияни қуйидагича аниқлаймиз:

$$\nu(K,z)=\frac{1}{(2\pi)^d}\int_{\mathbb{T}^d}\frac{dq}{z-\mathcal{E}_K(q)}.$$

1-лемма. $K\in\mathbb{T}^d$ бўлсин. У ҳолда

$$\lim_{z\to\mathcal{E}_{\max}(K)}\nu(K,z)<+\infty$$

мавжуд, ҳамда

$$\nu(K)=\nu(K,\mathcal{E}_{\max}(K))=\frac{1}{(2\pi)^d}\int_{\mathbb{T}^d}\frac{dq}{\mathcal{E}_{\max}(K)-\mathcal{E}_K(q)}$$

функция $\mathbb{T}^d$ да аналитик бўлади.

Ушбу $V^{\frac{1}{2}}$ оператор V мусбат операторнинг квадрат илдизи бўлсин. Ихтиёрий $K\in\mathbb{T}^d$ учун

$$\frac{\mu}{(2\pi)^d}\nu(K,\mathcal{E}_{\max}(K))$$

ядроли

$$G_{\mu,\gamma}(K,\mathcal{E}_{\max}(K))=\mu V^{\frac{1}{2}}(\mathcal{E}_{\max}(K)-H_0(K))^{-1}V^{\frac{1}{2}},$$

Бирман-Швингер интеграл операторини аниқлаймиз.

1-таъриф. $d=3{,}4$ бўлсин. Агар 1 сони

$$G_{\mu}(K,\mathcal{E}_{\max}(K))=\mu V^{\frac{1}{2}}(\mathcal{E}_{\max}(K)-H_0(K))^{-1}V^{\frac{1}{2}}$$

операторнинг хос қиймати бўлиб, мос ψ хос функция $(V^{1/2}\psi)(\vec{\pi}+p(K))\neq 0$ шартни қаноатлантирса ($(V^{1/2}\psi)(\vec{\pi}+p(K))=1$ фараз қилиш мумкин),

$H_\mu(K)$ оператор $\sigma_{ess}(H_\mu(K))$ муҳим спектрнинг юқори бўсағаси ($z=\mathcal{E}_{\max}(K)$) да виртуал сатҳга эга дейилади.

Ушбу $\nu(K)=\nu(K,\mathcal{E}_{\max}(K))$ белгилашни киритиб, ихтиёрий $\mu>0$ учун

$$M_<(\mu)=\{K\in\mathbb{T}^d:1-\mu\nu(K)<0\},$$
$$M_=(\mu)=\{K\in\mathbb{T}^d:1-\mu\nu(K)=0\},$$
$$M_>(\mu)=\{K\in\mathbb{T}^d:1-\mu\nu(K)>0\}$$

тўпламларни аниқлаймиз.

Ихтиёрий $K\in\mathbb{T}^d$ ва $z\in\mathbb{C}\setminus[\mathcal{E}_{\min}(K),\mathcal{E}_{\max}(K)]$ учун $H_\mu(K)$ операторга мос Фредгольм детерминантини қуйидагича аниқлаймиз

$$\Delta_\mu(K,z)=1-\mu\nu(K,z).$$

Айтиб ўтиш керакки, $\mathbb{T}^d\times(\mathbb{C}\setminus[\mathcal{E}_{\min}(K),\mathcal{E}_{\max}(K)]).$ да $\Delta_\mu(K,z)$ функция ҳақиқий аналитик бўлади.

2-лемма. а) Ихтиёрий $K\in\mathbb{T}^d\setminus\{0\}$ ва $z\geq\mathcal{E}_{max}(0)$ учун $\nu(0,z)>\nu(K,z)$ тенгсизлик ўринли.

b) $\mu=\dfrac{1}{\nu(0)}$ бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $K\in\mathbb{T}^d\setminus\{0\}$ учун $\Delta_\mu(K,\mathcal{E}_{\max}(0))>0$ тенгсизлик ўринли.

1-теорема. а) Агар $0<\mu<1/\nu(\vec{\pi})$ бўлса, у ҳолда $M_<(\mu)=\varnothing$, $M_=(\mu)=\varnothing,\ \ M_>(\mu)=\mathbb{T}^d.$

b) Агар $\mu=1/\nu(\vec{\pi})$ бўлса, у ҳолда $M_<(\mu)=\varnothing,$ $M_=(\mu)=\{\vec{\pi}\},$ $M_>(\mu)=\mathbb{T}^d\setminus\{\vec{\pi}\}.$

c) Агар $1/\nu(\vec{\pi})<\mu<1/\nu(0)$ бўлса, у ҳолда $M_<(\mu),$ $M_=(\mu)$ ва $M_>(\mu)$ тўпламлар бўш эмас.

d) Агар $\mu=1/\nu(0)$ бўлса, у ҳолда $M_<(\mu)=\mathbb{T}^d\setminus\{0\},$ $M_=(\mu)=\{0\}$ ва $M_>(\mu)=\varnothing.$

e) Агар $\mu>1/\nu(0)$ бўлса, у ҳолда $M_<(\mu)=\mathbb{T}^d$, $M_=(\mu)=\varnothing,$ $M_>(\mu)=\varnothing.$

2-Теорема. а) $\mu>0$ ва $K\in M_<(\mu)$ бўлсин. У ҳолда $H_\mu(K)$ оператор $\sigma_{ess}(H_\mu(K))$ муҳим спектрдан ўнгда ягона $E_\mu(K)$ хос қийматга эга. Мос хос функция

$$\psi_{\mu,K}(\cdot)=\frac{\mu\cdot c}{E_\mu(K)-\mathcal{E}_K(\cdot)}\in L^2(\mathbb{T}^d),$$

бунда $c\neq0-$нормаллаштирувчи кўпайтувчи, ҳақиқий аналитик функция бўлади. Шу билан бирга $E_\mu(K)$ хос киймат $M_<(\mu)$ тўпламда хақиқий қийматли жуфт функция бўлади. $K\to\psi_{\mu,K}(\cdot)$ билан берилган $\psi_\mu:M_<(\mu)\to L^2(\mathbb{T}^d)$ акслантириш вектор қийматли аналитик акслантириш бўлади. Агар $0 < \mu \le \frac{1}{\nu(0)}$ бўлса, у холда $E_\mu(K), K \in M_<(\mu)$ хос қиймат учун $\mathcal{E}_{\max}(K) < E_\mu(K) < \mathcal{E}_{\max}(0)$ муносабат бажарилади. Агар $\mu > \frac{1}{\nu(0)} > 0$ бўлса, у ҳолда $E_\mu(K), K \in M_<(\mu) = \mathbb{T}^d, K \ne 0$ хос қиймат учун

$$\mathcal{E}_{\max}(K) < E_\mu(K) < E_\mu(0) \; ва \; \mathcal{E}_{\max}(0) < E_\mu(0)$$

тенгсизликлар бажарилади.

b) $\mu > 0$ ва $K \in M_=(\mu)$ бўлсин. Агар $d = 3,4$ бўлса, $\sigma_{ess}(H_\mu(K))$ муҳим спектрнинг $\mathcal{E}_{\max}(K)$ юқори бўсағаси $H_\mu(K)$ оператор учун виртуал сатҳ бўлади. Мос виртуал ҳолат

$$\psi_{\mu,K}(\cdot) = \frac{\mu \cdot c}{\mathcal{E}_{\max}(K) - \mathcal{E}_K(\cdot)},$$

бунда $c \ne 0-$ нормаллаштирувчи кўпайтувчи, $L^1(\mathbb{T}^d) \setminus L^2(\mathbb{T}^d)$ тўпламга тегишли бўлади. Агар $d \ge 5$ ва $K \in M_=(\mu)$ бўлса, $\sigma_{ess}(H_\mu(K))$ муҳим спектрнинг $\mathcal{E}_{\max}(K)$ юқори бўсағаси $H_\mu(K)$ оператор учун хос қиймат бўлади. Мос хос функция

$$\psi_{\mu,K}(\cdot) = \frac{\mu \cdot c}{\mathcal{E}_{\max}(K) - \mathcal{E}_K(\cdot)} \in L^2(\mathbb{T}^d),$$

кўринишга эга , бунда $c \ne 0-$нормаллаштирувчи кўпайтувчи.

c) $\mu > 0$ ва $K \in M_>(\mu)$ бўлсин. У ҳолда $H_\mu(K)$ оператор $\sigma_{ess}(H_\mu(K))$ муҳим спектрдан ўнгда хос қийматга эга эмас.

Диссертациянинг **«Панжарадаги икки заррачали гамильтонианнинг боғланган ҳолатлари ҳақида»** деб номланувчи учинчи бобида $d \ge 3$ ўлчамли $\mathbb{Z}^d$ панжарада ўзаро тортишувчи контакт потенциал ёрдамида таъсирлашувчи иккита ихтиёрий заррачали системага мос Шредингер оператори спектрал хоссаларини ўрганишга бағишланган.

Икки ихтиёрий заррачали системага мос дискрет Шредингер оператори $L^2(\mathbb{T}^d)$ гильберт фазосида қуйидаги формула билан аниқланган:

$$H_\mu(K) = H_0(K) - \mu V, K \in \mathbb{T}^d.$$

Ихтиёрий $K \in \mathbb{T}^d$ учун $\mathbb{C} \setminus [\mathcal{E}_{\min}(K), \mathcal{E}_{\max}(K)]$ тўпламда $\nu(K,\cdot)$ аналитик функцияни қуйидагича аниқлаймиз:

$$\nu(K,z) = \frac{1}{(2\pi)^d} \int_{\mathbb{T}^d} \frac{dq}{\mathcal{E}_K(q) - z}.$$

3-лемма. $K \in \mathbb{T}^d$ бўлсин. У ҳолда

$$\lim_{z \to \mathcal{E}_{\min}(K)} \nu(K,z) < +\infty$$

мавжуд, ҳамда

$$\nu(K)=\nu(K,\mathcal{E}_{\min}(K))=\frac{1}{(2\pi)^d}\int\limits_{\mathbb{T}^d}\frac{dq}{\mathcal{E}_K(q)-\mathcal{E}_{\min}(K)}$$

функция $\mathbb{T}^d$ да аналитик бўлади.

Ушбу $V^{\frac{1}{2}}$ оператор V мусбат операторнинг квадрат илдизи бўлсин. Ихтиёрий $K\in\mathbb{T}^d$ учун

$$\frac{\mu}{(2\pi)^d}\nu(K,\mathcal{E}_{\min}(K))$$

ядроли

$$G_{\mu,\gamma}(K,\mathcal{E}_{\min}(K))=\mu V^{\frac{1}{2}}(H_0(K)-\mathcal{E}_{\min}(K))^{-1}V^{\frac{1}{2}},$$

Бирман-Швингер интеграл операторини аниқлаймиз.

2-Таъриф. $d=3,4$ бўлсин. Агар 1 сони

$$G_{\mu}(K,\mathcal{E}_{\min}(K))=\mu V^{\frac{1}{2}}(H_0(K)-\mathcal{E}_{\min}(K))^{-1}V^{\frac{1}{2}}$$

операторнинг хос қиймати бўлиб, мос ψ хос функция $(V^{1/2}\psi)(p(K))\neq 0$ шартни қаноатлантирса ($(V^{1/2}\psi)(p(K))=1$ фараз қилиш мумкин), $H_\mu(K)$ оператор $\sigma_{ess}(H_\mu(K))$ муҳим спектрнинг қуйи бўсағаси ($z=\mathcal{E}_{\min}(K)$) да виртуал сатҳга эга дейилади.

4-лемма. a) Ихтиёрий $K\in\mathbb{T}^d\setminus\{0\}$ ва $z\leq\mathcal{E}_{\min}(0)$ учун $\nu(0,z)>\nu(K,z)$ тенгсизлик ўринли.

b) $\mu=\dfrac{1}{\nu(0)}$ бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $K\in\mathbb{T}^d\setminus\{0\}$ учун $\Delta_\mu(K,\mathcal{E}_{\min}(0))>0$ тенгсизлик ўринли.

3-теорема. a) $\mu>0$ ва $K\in M_<(\mu)$ бўлсин. У ҳолда $H_\mu(K)$ оператор $\sigma_{ess}(H_\mu(K))$ муҳим спектрдан чапда ягона $E_\mu(K)$ хос қийматга эга. Мос хос функция

$$\psi_{\mu,K}(\cdot)=\frac{\mu\cdot c}{\mathcal{E}_K(\cdot)-E_\mu(K)}\in L^2(\mathbb{T}^d),$$

бунда $c\neq 0-$ нормаллаштирувчи кўпайтувчи, ҳақиқий аналитик функция бўлади. Шу билан бирга $E_\mu(K)$ хос қиймат $M_<(\mu)$ тўпламда хақиқий қийматли жуфт функция бўлади. $K\to\psi_{\mu,K}(\cdot)$ билан берилган $\psi_\mu:M_<(\mu)\to L^2(\mathbb{T}^d)$ акслантириш вектор қийматли аналитик акслантириш бўлади. Агар $0<\mu\leq\dfrac{1}{\nu(0)}$ бўлса, у ҳолда $E_\mu(K),K\in M_<(\mu)$ хос қиймат учун $\mathcal{E}_{min}(0)<E_\mu(K)<\mathcal{E}_{min}(K)$ муносабат бажарилади. Агар $\mu>\dfrac{1}{\nu(0)}>0$

бўлса, у ҳолда $E_\mu(K), K \in M_<(\mu) = \mathbb{T}^d, K \neq 0$ хос қиймат учун

$$E_\mu(0) < E_\mu(K) < \mathcal{E}_{min}(K) \text{ ва } E_\mu(0) < \mathcal{E}_{min}(0).$$

тенгсизликлар бажарилади.

b) $\mu > 0$ ва $K \in M_=(\mu)$ бўлсин. Агар $d = 3,4$ бўлса, $\sigma_{ess}(H_\mu(K))$ муҳим спектрнинг $\mathcal{E}_{\min}(K)$ қуйи бўсағаси $H_\mu(K)$ оператор учун виртуал сатҳ бўлади. Мос виртуал ҳолат

$$\psi_{\mu,K}(\cdot) = \frac{\mu \cdot c}{\mathcal{E}_K(\cdot) - \mathcal{E}_{\min}(K)},$$

бунда $c \neq 0-$ нормаллаштирувчи кўпайтувчи, $L^1(\mathbb{T}^d) \setminus L^2(\mathbb{T}^d)$ тўпламга тегишли бўлади. Агар $d \geq 5$ ва $K \in M_=(\mu)$ бўлса, $\sigma_{ess}(H_\mu(K))$ муҳим спектрнинг $\mathcal{E}_{\min}(K)$ қуйи бўсағаси $H_\mu(K)$ оператор учун хос қиймат бўлади. Мос хос функция

$$\psi_{\mu,K}(\cdot) = \frac{\mu \cdot c}{\mathcal{E}_K(\cdot) - \mathcal{E}_{\min}(K)} \in L^2(\mathbb{T}^d)$$

кўринишга эга, бунда $c \neq 0-$нормаллаштирувчи кўпайтувчи.

c) $\mu > 0$ ва $K \in M_>(\mu)$ бўлсин. У ҳолда $H_\mu(K)$ оператор $\sigma_{ess}(H_\mu(K))$ муҳим спектрдан чапда хос қийматга эга эмас.

ХУЛОСА

Диссертация иши панжарадаги ўзаро контакт таъсирлашувчи иккита ихтиёрий заррачали системага мос дискрет Шредингер операторининг муҳим ва дискрет спектрларини тадқиқ килишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўлчами $d \geq 3$ бўлган панжарада ўзаро итаришувчи $(\mu > 0)$ контакт таъсирлашувчи иккита ихтиёрий заррачали системага мос дискрет Шредингер операторининг муҳим спектрдан ўнгда хос қиймати мавжудлиги исботланган ва унга мос хос функциянинг аниқ кўриниши топилиб регуляр функция эканлиги кўрсатилган.

2. Ўлчам $d = 3{,}4$ бўлганда муҳим спектрнинг юқори бўсағасида дискрет Шредингер оператори виртуал сатҳга эга эканлиги исботланган ва виртуал ҳолатнинг интегралланувчи функция эканлиги кўрсатилган.

3. Квазиимпульснинг берилган қийматида виртуал сатҳга эга бўлган таъсир энергияси қийматлари топилган ва таъсир энергиясининг берилган қийматида система квазиимпульслари Шредингер операторининг хос қиймати мавжуд бўладиган ёки мавжуд бўлмайдиган ҳамда виртуал сатҳга эга бўладиган тўпламларга ажратилган.

4. Ўлчам $d \geq 5$ бўлганда муҳим спектрнинг юқори бўсағаси дискрет Шредингер операторининг хос қиймати бўлиши кўрсатилган.

5. Ўлчами $d \geq 3$ бўлган панжарада ўзаро тортишувчи контакт таъсирлашувчи иккита ихтиёрий заррачали системага мос дискрет Шредингер операторининг муҳим спектрдан чапда хос қиймати мавжудлиги исботланган ва унга мос хос функциянинг аниқ кўриниши топилиб регуляр функция эканлиги кўрсатилган.

6. Ўлчам $d = 3{,}4$ бўлганда муҳим спектрнинг қуйи бўсағасида дискрет Шредингер оператори виртуал сатҳга эга эканлиги исботланган ва виртуал ҳолатнинг интегралланувчи функция эканлиги кўрсатилган.

7. Ўлчам $d \geq 5$ бўлганда муҳим спектрнинг қуйи бўсағаси дискрет Шредингер операторининг хос қиймати бўлиши кўрсатилган.

SCIENTIFIC COUNCIL PHD.27.06.2017.FM.02.01 ON AWARDING ACADEMIC DEGREES AT THE SAMARKAND STATE UNIVERSIRY

SAMARKAND STATE UNIVERSIRY

ULASHOV SOBIR SAXIBJANOVICH

DISCRETE SPECTRUM OF THE SCHRÖDINGER OPERATORS ASSOCIATED TO A SYSTEM OF TWO ARBITRARY PARTICLES ON LATTICE

01.01.01 – mathematical analysis

ABSTRACT OF DISSERTATION OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

Samarkand – 2017

The theme of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2017.2.PhD/FM54

Dissertation has been prepared at Samarkand State University.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (uzbek, russian, english (resume)) on the website (www.samdu.uz) and the «Ziyonet» Information and educational portal (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor:	**Lakaev Saidahmat Norjigitovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor
Official opponents:	**Xalmuxamedov Alimjan Raximovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor
	Botirov G'olib Isroilovich Candidate of Physical and Mathematical Sciences
Leading organization:	**Qarshi State University**

Defense will take place «____» _____________2017 at _____ at the meeting of Scientific Council number PhD.27.06.2017.FM.02.01 at Samarkand State University. (Address: University Boulevard 15, Samarkand, 140104, Uzbekistan, Ph.: (+99866) 231-06-32, fax: (+99866) 235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz).

Dissertation is possible to review in Information-resource centre at Samarkand State University (is registered №____) (Address: University Boulevard 15, Samarkand, 140104, Uzbekistan, Ph.: (+99866) 231-06-32).

Abstract of dissertation sent out on «____» _______________2017 year
(Mailing report № ___________on «____» _______________2017 year)

A.S. Soleev
Chairman of scientific council on award of scientific degrees, D.F.-M.S., professor

A.M. Xalxujayev
Scientific secretary of scientific council on award of scientific degrees, D.F.-M.S.

I.A.Ikromov
Vice-chairman of scientific Seminar under Scientific Council on award of scientific degrees, D.F.-M.S., professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

Actuality and demand of the theme of dissertation. Numerous scientific and applied research conducted on a global level show that everywhere in physics stable complex objects are usually formed as a result of action of attractive forces that allow the component parts to reduce the energy in their binding. However, recent years scientists have proved that in the ordered medium stable complex objects can exist even in the case of repulsive interactions. Bose-Hubbard model is used to describe the repulsive pairs, i.e. Schrödinger operator on a lattice is the theoretical basis of experimental observations and theoretical basis for the application. Therefore, the development of research of Schrödinger operators corresponding Hamiltonians of the systems of particles on a lattice, which are found in models of solid state physics and lattice field theory is one of the priorities.

Since the spectrum of the Schrödinger operators associated to the systems of two quantum particles on lattice is quite sensitive to changes in the quasi-momentum of the system, solving problems related to studies of the spectrum of the operator and to show the existence of bound states as well as determine their number plays an important role . In this regard, the implementation of targeted investigation in the following areas is one of the most important problems: investigate the discrete spectrum of the Schrödinger operator corresponding to a system of two arbitrary particles with short-range pair potentials on lattice, to establish the threshold phenomenon below the bottom or above the top essential spectrum for the operator. Research carried out in the aforementioned areas confirms the actuality of the dissertation topic.

In our country in the years of independence much attention has been paid to directions of applied importance, in particular, special attention was paid to the study of Schrödinger operators corresponding to the system of particles on an integer lattice. For the Schrödinger operators significant results were achieved in determining the conditions for the existence of bound states which is located outside of the essential spectrum and for their number. Research in priority areas of Mathematics, at the level of international standards in mathematics, physics, applied mathematics, outlined the main tasks and activities деятельности[1].. The development of quantum field theory and the spectral theory of linear operators plays an important role in the execution of the decision.

This dissertation, to some extent, serves the tasks specified in the Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan № DP-916 dated July 15, 2008 «Encouraging the introduction of innovative projects and technologies in production», № DP -2789 dated February 17, 2017 «On measures to further improve the organization, management and financing of research activities and

[1] Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan № 292 dated May 18, 2017 «On measures to organize the activities of the newly established scientific research institutions of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan»

activities of the Academy of Sciences» and № DP -4947 dated February 8, 2017 «On strategy actions for the further development of the Republic of Uzbekistan», as well as in other normative-legal acts on this activity.

Dependence of research to priority directions of development of science and technologies of the republic. This study was performed in accordance with the Republic of Uzbekistan IV priority areas of science and technology. «Mathematics, Mechanics and Computer Science».

